

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

**ТМИ О‘quv-uslubiy boshqarma
tomonidan ro‘yxatga olindi**

№ _____
_____ 2013 y.

Тасдиқлайман

_____ 2013 й.

**ТМИ нинг ўқув ишлар бўйича
проректори проф. А.Каримов**



“MOLIYAVIY TAHLIL” KAFEDRASI

IQTISODIY TAHLIL NAZARIYASI” фани бўйича

КЕЙС СТАДИ

Bilim sohasi:	100 000 – Ta’lim;
	300 000 – Ijtimoiy fanlar, iqtisod va huquq.
Ta’lim sohalari:	140 000 – O‘qituvchilar tayyorlash va pedagogika fani;
	340 000 – Iqtisod va biznes.
Ta’lim yo‘nalishlari:	5140900 – Kasb ta’limi (buxgalteriya hisobi va audit);
	5340900 – Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo‘yicha).
	5341800 – Byudjet hisobi va nazorat

Toshkent-2013

Annotatsiya

Мазкур кейс стади бўйича ўқув-услубий қўлланма iqtisodiy tahlilning fan sifatida shakllanishi, fanning asosiy metodi, usullari va tamoyillari, korxonalarda tahlilni tashkil etish bosqichlari, raqobatdosh iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida mahsulotlar ishlab chiqarish va ularni sotishni ko‘paytirishning eng zarur omillari va imkoniyatlarini aniqlay olish, ishlab chiqarish samaradorligini tahlil qilishning uslubiy asoslari, istiqbolli va tezkor tahlil usullarini turli tarmoqlar moliya-xo‘jalik faoliyatini tahlil etishda qo‘llash, iqtisodiy tahlilning turlari va ulardan foydalanishning nazariy hamda amaliy xususiyatlari kabi tomonlarni real vaziyat sharoitida qўllash zaruratidan kelib chiqib tuzilgan. Muammolar talabalarini, ham nazariy, ham amaliy jihatdan fikrlash qobiliyatlarini kuchaytirib, amaliy holat uchun echimlar ishlab chiqish kўnikmalarini shakllantirishga ёрдам беради.

Tuzuvchilar:	B.Xakimov	– TMI, “Moliyaviy tahlil” kafedrasini Mudiri, профессор, i.f.n.
Taqrizchilar:	A.Ибрагимов	– TMI, “Moliyaviy tahlil” kafedrasini профессори, i.f.n.
	Z. Sagdillaeva	–TMI, “Moliyaviy tahlil” kafedrasini dotsenti, i.f.n.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма “Moliyaviy tahlil” kafedrasining 2013 yil 10 февралдаги 12-son majlisida muhokamadan o‘tgan va institut Ilmiy-uslubiy kengashida muhokama qilish uchun tavsiya etilgan.

Kafedra mudiri:

Prof. Xakimov B.J.

5340900 – “Buxgalteriya hisobi va audit”, 5341800 – “Byudjet hisobi va nazorat” bakalavriat ta’lim yo‘nalishlarida “Iqtisodiy tahlil nazariyasi” fanidan o‘tiladigan mavzular va ular bo‘yicha mashg‘ulot turlariga ajratilgan soatlar hajmining taqsimoti

T\r	Fan mavzularining nomi	Jami soat-lar	Ma’ruza	Amaliy mashg‘ulot	Mustaqil ta’lim
A	1	2	3	4	5
1.	Iqtisodiy tahlilning rivojlanish tarixi va fan sifatida shakllanishi	10	2	2	6
2.	Iqtisodiy tahlilning mazmuni, predmeti va vazifalari	18	4	4	10
3.	Iqtisodiy tahlilning metodi va unda qo‘llaniladigan an’anaviy usullar	26	6	6	14
4.	Iqtisodiy tahlilning iqtisodiy-matematik usullari	28	6	6	16
5.	Iqtisodiy tahlilning turlari va ularning axborot manbalari	22	4	4	14
6.	Iqtisodiy tahlil ishlarini tashkil qilish	18	4	4	10
7.	Kompleks iqtisodiy tahlil va ishlab chiqarishning muhim samaradorlik ko‘rsatkichlarini tahlil qilishning metodik asoslari	46	12	12	22
8.	Informasion texnologiyalarga asoslangan boshqaruv tizimida iqtisodiy tahlil	18	4	4	10
	Jami	186	42	42	102

Услубий кўрсатмалар !

Кайс-стади – аниқ иқтисодий вазият ва унинг тавсифидан келиб чиққан ҳолда муаммоларни бартараф этиш йўллари топиш ҳамда воқеликларни мақбул ривожлантирувчи ечимларни кўрсатиб бериш бўйича талабаларда кўникмаларни шакллантириш усулидир.

Кейс – корхонадаги муайян муаммоли вазиятни ёзма тавсифидир.

Мақсад – талабалардан назарий билимларини амалий вазиятларга қўллаб, муайян муаммони алоҳида, гуруҳ бўлиб ҳал қилиш йўллари топиш бўйича билимларини мустаҳкамлаш, кўникмаларини шакллантириш ҳамда малакаларини оширишдир. Бунда талаба вазиятни кўра олади, баҳолайди, таҳлил қилади ҳамда қарор қабул қилади.

Кейсларнинг турлари

1. Ҳақиқий материалларга асосланган кейслар.
2. Ижод қилинган (Хаёлий яратилган).
3. Қисқа кейслар. (Аниқ жавоблари мавжуд)
4. Катта ҳажмдаги кейслар (Турли жавоблар бўлиши мумкин)
5. Оддий ёки мураккаб кейслар.
6. Фанлар бўйича, тармоқ бўйича, ҳудуд бўйича ва шу кабилар.
7. Тадқиқот кейслари.
8. Ўтган даврни ўрганувчи кейслар.
9. Келажакни прогноз қилишга асосланган кейслар.
10. Материалларни тақдим этиш усули бўйича. (ҳикоя, аналитик варақа, ҳисобот, далиллар тўплами, ишлаб чиқариш намуналари ва шу кабилар)
11. Бошқа белгилари бўйича ҳам тасниф этилиши мумкин.

Кейсни ишлаб чиқиш босқичлари

1. Мақсадни аниқ ифодалаш.
2. Мақсадни реал вазиятга мослаштириш.
3. Ахборот манбалари ёки уларни излашга оид ишлар.
4. Кейс учун ахборот тўплаш.
5. Дастлабки вариантни тайёрлаш.
6. Кейсни чоп этишга рухсат олиш.
7. Кейсни муҳокама қилиш ва эксперт баҳоларини олиш. Ижобий ўзгартиришлар киритиш.
8. Кейсдан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Кейс билан ишлаш қоидалари

1. Кейсни муҳокама қилиш. Якка ҳолда ҳамда жамовий тартибда.
2. Баҳс-мунозара қилиш. Таклифларни баён қилиш.

Кейс жараёнида талабанинг маъсуляти

1. Натижа учун ҳаракат қилиш керак. Ўз фикрингизни аниқ тушунтиринг.
2. Танқидга тўғри муносабатда бўлинг. Фикрингизни асосланг ва ҳимоя қилинг.
3. Вақт ҳисобини доимо ёдда тутинг. Уни тўғри тақсимланг.
4. Жамоада керак эканлигингиз доимо билиниб турсин.

Кейс жараёнида ўқитувчининг вазифалари

1. Талабалар фикрини кузатиш, лекин улар фикрига арлашмаслик тартибда ёндашув.
2. Талабалар фикрини кузатиб, уларни фикралишини имкон қадар тўғри томонга буриш ёки бошқариш.

Кейс-стади бўйича фикрларни баён этиш шакллари

1. Барча фикрларни ёзма (матн) тарзда баён қилиш мумкин.
2. Расм, чизма, модел, шакл кўринишларида тушунтириб берилиши мумкин.
3. Кинофильм тарзида номоён этилиши мумкин.
4. Аралаш тарзда фикрлар берилиши мумкин.
5. Жамоа томонидан тайинланг лидер ёки бир неча фаоллар оғзаки ва бошқа усулларни қўллаб вазиятни ҳал этишлари мумкин.

Диққат! Воқеликни баён этиш қайси шаклда бўлмасин фикрлар аниқ, тушунарли ва имкон қадар қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир.

1-мавзу. Iqtisodiy tahlilning rivojlanish tarixi va fan sifatida shakllanishi

1-case study.

“Чевар” тўқимачилик корхонаси регионда йирик турдаги хўжалик субъектлари жумласига киради. Корхона маҳаллий бозорда ўз ўрнига эга, шу билан бирга хорижга ҳам маҳсулотларини сотади. Бироқ, айнан шу вазиятда ҳиссадорлар амалдаги менежер ишидан қониқмай, корхонага янги менежер тайинладилар. Даставвал, янги менежер корхонанинг ҳозирги ҳолатини тушуниш ва истикболини тўғри белгилаш учун амалий нима ишлар қилиш керак эканлиги ҳақида ўйлай бошлади.

Ҳурматли талаба бўлажак иқтисодчи сифатида корхонанинг янги менежерига қандай ёрдам бера оласиз?

2-case study.

Тошкент молия институти талабалари И.Чориев, Н.Мавлонов ва А.Абдуллаевлар ўзаро баҳслашмоқдалар. И.Чориев “Иқтисодий таҳлил” фани фан сифатида шаклланмаганлигини исботламоқчи. Н.Мавлонов эса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги заруриятга кўра “Иқтисодий таҳлил” фани иқтисодий фанлар дифференцияси натижасида шаклланганлигини кўрсатиб бermoқчи, А.Абдуллаев ўз фикрини иқтисодий ривожланишнинг объектив талабларидан келиб чиқадиган иқтисодий фанлар интеграцияси натижасида “Иқтисодий таҳлил” фани шаклланганлигини асосламоқчи.

Ҳурматли талаба бу борада кимнинг фикрига қўшиласиз?

2-мавзу. Iqtisodiy tahlilning mazmuni, predmeti va vazifalari

1-case study.

Талаба Б.Алимов “Иқтисодий таҳлил назарияси” фани ўқитувчиси проф. А.Т.Ибрагимовга мазкур фанга оид бир неча китобларни ўқиб чиққанлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга у ўқиган махсус адабиётларда (Жумладан, А.Ибрагимов, М.Пардаев, М.Рахимов, Б.Хакимов, А.Шермет, М.Баканов ва бошқа авторлар) мазкур фан предметида берилган таърифларда, ҳам ўхшаш, ҳам фарқ қилувчи жиҳатлар борлигини кўрсатиб берди. Талаба ушбу фан соҳасидаги олимлар ва мутахассислар биргаликда фан предмети бўйича ягона таърифини ишлаб чиқсалар мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида ўз фикрини билдирди. Ўқитувчи эса мазкур фан предмети бўйича ягона фикрга келиш зарур эканлигини таъкидлади, бироқ бу борадаги мураккабликларни ҳам талабаларга тушунтириб берди.

Ҳурматли талаба сиз ҳам бу борадаги мураккабликлар тўғрисида ўз фикрларингизни билдиринг.

2-case study.

“Чевар” корхонаси иқтисодчиси Урмонбекова И. амалиётчи талаба Амриддинова М.га корхонанинг чораклик ишлаб чиқариш ва сотиш режасини амалда бажарилмаётганлиги, режа маълумотлари билан ҳақиқатда маълумотлар ўртасида кескин фарқлар юзага келаётганлигини айтиб ўтиб, ундан режани илмий асосда тузилганлигини қайта кўриб чиқиб ўз фикрлари билан ўртоқлашишни сўради. Талаба эса бу борада ўз гуруҳдошларидан ёрдам сўради.

Хўш, Амриддинова М.нинг гуруҳдоши сифатида сиз мазкур ишни қандай амалга оширасиз?.

3-мавзу. Iqtisodiy tahlilning metodi va unda qo'llaniladigan an'anaviy usullar

1-case study.

Талаба М.Исмоилова “Иқтисодий таҳлил назарияси” фанидан фаннинг усули (методи), услуги (методикаси), услубияти (методологияси) каби тушунчаларни ўқиб-урганиб, уларни тушунгандай бўлмоқда. Бироқ, тушунчаларнинг бир-бирларидан мазмун жиҳатдан аниқ фарқларини ажрата олмаяпти. **Хўш, бу борада сизнинг фикрингиз қандай ?**

2-case study.

Талаба А.Абдуллаев “Музқаймоқ” кичик корхонасида амалиёт ўтиш жараёнида корхона бошлиғи Санаев Р.дан 24 февраль куни озонда омборчи Маҳкамов М. ўрнига сут маҳсулотларини фермерлардан қабул қилиб олиш ва расмийлаштиришни топширди. А.Абдуллаев кимдан, қанча ва ёғлиқлик даражаси 3,5 коэффициентга тенг қилиб сут қабул қилиб олишни бошлиқдан ёзиб олди ва топшириқни аъло даражада бажаришга ваъда берди. Бошлиқ ишхонадан уйга кетгандан сўнг, А.Абдуллаев сут сақланадиган идишларни кўздан кечириб, шу ҳолатни аниқладикки бошлиқ айтиб ўтган ҳажмдаги сутни қабул қилиб олишга корхонада идишлар етишмас экан. У бу борада устози Мавлонов Н.га телефон қилиб, вазиятни тушунтирди. Устоз Н.Мавланов талабага иқтисодий таҳлил фанининг анъанавий методларини яхши ўқиш керак эди, шунда бошлиқ айтган ҳажмдаги сутни идишларга сиғдириш мумкин, деган жавобни айтди. А.Абдуллаев эса озонгача бошқа корхонадан идиш олиб келишни маққул топди.

4-мавзу. Iqtisodiy tahlilning iqtisodiy-matematik usullari

1-case study.

Корхонанинг янги раҳбари ҳисоб ходимлари учун тайёрлаган маърузани амалиётчи талаба Н.Самадова ўқиб чиқаётиб, шундай қайтий фикрларга дуч келди: “Бизга ўтган ҳисобот йиллари, тугаган воқеликлар ва уларнинг натижаларини ўрганиб, улар тўғрисида хулосалар чиқариш керак, албатта. Бироқ, бу таҳлил ўта муҳим аҳамиятга эга эмас. Ҳурматли мутахассислар сизлар яқин ва ўрта муддатларда амалага ошириладиган иқтисодий муносабатлар ва улардан кутилаётган натижалар тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотлар тайёрлашларинг керак. Чунки, ушбу маълумотлар ва уларни муқобиллик асосида саралаш билан, биз ўз тактик ҳамда ўрта муддатли бизнес-режаларни, бюджетларни ишлаб чиқамиз. Шу каби ёндашувлар бизни инқирозли ҳолатлардан сақлайди. Бунинг учун сизлар иқтисодий-математик усулларда ишлашни яхши йўлга қўйишингиз шарт. Бу эса, фаолият натижаларни олдиндан кўриш, тушуниш ва уларни муваффақиятли бошқариш деганидир”. Талаба Н.Самадова корхона бошлиғи қайси бир иқтисодий-математик усулни назарда тутганини тўлиқ тушунмади.

2-case study.

У.Якубов мутахассислиги бўйича қурилиш инженери. У корхонада менежер вазифасини бажара бошлади. Шунда У.Якубов маҳсулот сифатини яхшилаш рақобатдошликни таъминлашнинг бир йўли эканлигини тушуниб етди. Бироқ, ишчиларнинг иш тажрибаси билан маҳсулот сифати ўртасида қандай боғлиқлик борлигини тўлиқ тушунмайди. Ушбу боғлиқликни аниқлаш ҳамда ўлчаш йўллари билмайди. Агар, менежер шу ҳолатни аниқласа кимни рағбатлантириш, ишга олиш ёки ишдан бўшатиш масалаларини ҳал қилишда аҳамиятли асос топган бўлар эди.

5-мавзу. Iqtisodiy tahlilning turlari va ularning axborot manbalari

1-case study.

Тошкент молия институтининг Ҳисоб-аудит факультетининг III-курс талабаси Босиҳ “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанидан малакавий амалиёт ўташ учун ТТЗ га амалиётчи қилиб юборилди. Корхонада иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари Босиҳга комплекс иқтисодий таҳлил ўтказиш бўйича зарур бўладиган ахборот манбаларининг рўйхатини тузишни ва уларни асослаб беришни топширди. Босиҳ институтда олган билимлари бўйича топшириқни бажариш учун ўз режасини туза бошлади. Бироқ, режада белгиланган ҳолатлар мутахассисларга маъқул келмади. **Ҳурматли талаба сиз Босиҳни ўрнида бўлганингизда топшириқни қандай бажарган бўлар эдингиз?**

2-case study.

Кўрсаткичларидан маълум бўлмоқдаки корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашган. Иқтисодий салоҳияти пасайган. Мутахассислар корхонанинг ҳақиқий иқтисодий аҳволини билиш учун турли фикрларни билдиришмоқда. Бош иқтисодчи, корхонани комплекс иқтисодий таҳлил қилиб, шу асосда ҳақиқий аҳволни баҳолашни таклиф қилди. Бош бухгалтер эса, жорий таҳлилни амалга ошириб ҳам шундай баҳолаш мумкинлигини билдирди. Аудитор эса, бошқарув ва молиявий таҳлилни ўтказиш ўзи бунинг учун етарли эканлигини таъкидлади. Мутахассис сифатида бу борадаги ўз фикрларингизни билдиринг.

6-мавзу. Iqtisodiy tahlil ishlarini tashkil qilish

1-case study.

Музқаймоқ ишлаб чиқарувчи кичик корхона раҳбари корхона бухгалтерига корхонанинг ўтган ҳисобот йили якуни бўйича иқтисодий таҳлил қилиш кераклигини буюрди. Таҳлил натижалари бўйича фойдаланилмаган имкониятлар, амалда жорий этилиши зарур бўлган ўзгаришлар тўғрисида аниқ таклифлар беришини сўради. Бухгалтер ички бухгалтерия ҳамда молиявий ҳисобот маълумотлари асосида иқтисодий таҳлил ишларини амалга оширди. Бироқ, корхона бошлиғи таҳлил натижаларидан қониқиш ҳосил қилмади ва бу борада аудитор ёрдами зарурлигини билдирди. Ҳурматли талаба сизнинг фикрингизча бухгалтер қандай камчиликларга йўл қўйган?

2-case study.

Гишт маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхона менежери фаолиятда тежамкорлини таъминлаш ҳамда самарадорликка эришиш мақсадида ходимларга ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида, уларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларини умумлаштириш бўйича оддий усулда тушунтириш ишларини олиб боришни бош бухгалтерга топширди. Бош бухгалтер эса корхонада амалиётда бўлган Тошкент молия институти талабасига мазкур маъсулятли вазифани ишониб топширди ва бу борада ўзи ҳам ёрдам беришини айтди. Сиз ҳам ушбу вазифани мақбул ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқишда талабага ўз фикрларингизни билдиринг.

7-мавзу. Kompleks iqtisodiy tahlil va ishlab chiqarishning muhim samaradorlik ko'rsatkichlarini tahlil qilishning metodik asoslari

1-case study.

Нашриёт кичик корхонаси раҳбари мутахассислиги бўйича филолог. У корхонанинг иқтисодий ишларини яхши билмайди. Иқтисодий ишларни тушунишни осонлаштириш ҳамда соддалаштириш мақсадида корхона бухгалтерига топшириқ берди: Сиз шундай кўрсаткичларни белгилангки уларни кўришим билан корхона иқтисодий аҳволини асосий томонларини тушунай. Лекин, имкон қадар кўрсаткичлар сони камроқ бўлсин. Корхона бош бухгалтери эса амалиётга келган Тошкент молия институти талабаларини чақириб бу ишда ёрдам беришларини сўради. Амалиётчи талаба сифатида ўз фикрларингизни билдиринг ва уларни асослаб беринг.

2-case study.

Акционерлик жамиятидаги бош бухгалтер ўта тажрибали ва ҳушёр шахс. Бироқ, бош бухгалтер корхонанинг янги менежери билан, у томондан таклиф қилинган тактик ва ўрта муддатли режалари борасида келиша олмаяпти. Менежернинг тактик ва ўрта муддатли режаси фақат рентабелликни ошира боришни мақсад қилган ва шу асосда корхонани ривожлантиришни назарда тутди. Бу борада менежер ўз фикрларини асослаб бермоқда. Агар, корхонада ушбу режалар белгиланган натижалар бўйича амалга оширилса менежерни жудда катта ҳажмдаги муқофот кутмоқда. Бош бухгалтер эса тактик ва ўрта муддатли режаларнинг муваффақиятли бажарилиши, корхонанинг узоқ муддатли стратегиясига жиддий хавф солиши мумкинлигини кўрсатиб бермоқда.

Корхона раҳбари ва акционерлар учун бош бухгалтер синалган шахс ва ишончли мутахассис.

Вақт эса қарор қабул қилишни кутиб турмайди. Ҳурматли талаба раҳбар сифатида қандай қарор қабул қилар эдингиз?

8-мавзу. Informasion texnologiyalarga asoslangan boshqaruv tizimida iqtisodiy tahlil

Кичик корхона раҳбари Тошкент молия институти томонидан амалиёт ўташ учун корхонага юборилган талаба билан суҳбатлаша туриб иқтисодий таҳлил ўтказишни мураккаблиги, кўпроқ қўл меҳнатига асосланганли, кўп вақт олиши, тезкор тавсифга эга эмаслиги тўғрисида амалий фикрларини билдирди. Аммо, талаба бу борада ечим мавжудлигини, раҳбар кўрсатиб ўтган қачиликларни янги информация технологияларни жорий этиб бартараф қилиш мумкинлигини билдирди. Шунда, корхона раҳбари агар сен шу ишларни корхона ҳисоб тизимида йўлга қўйиб берсанг жуда катта моддий рағбат олишинг мумкин, деди. Талаба мазкур ишларни амалга оширди ва моддий рағбат олди. Бироқ, ўз ишини сири сифатида корхона бухгалтерига фақат тегишли маълумотларни киритиш ва унинг натижасини олиш мумкин эканлигини ўргатди, холос. Корхона бухгалтери эса ушбу ҳолатни илмий ўрганишга астойдил киришди. Нима қилсин, рақобат мавжуд. Ҳурматли талаба сизнинг ёрдамингизга жуда кўплаб бухгалтерлар муҳтож бўлиши мумкин. **Сиз уларга бу борада қандай ёрдам бера оласиз?**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг «Малакали педагог-кадрларни тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, ПҚ-1761 сон, 2012 йил 28 май.
2. А.Х.Пардаев, Б.Х.Пардаев. Бошқарув ҳисоби. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. -252 б.
3. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астонова, Ф.А.Абдуқодирова. “Case-stady” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: “Tafakkur qanoti”, 2012. -134 б.
4. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
5. Б.Ҳакимов ва бошқ. Иқтисодий таҳлил назарияси.-Т.: “Iqtisod-moliya”, 2013, -240 б.
6. Donald E. Kieso, Jtry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 1332 p.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси томонидан ташкил этилган, замонавий педогогик технологиялар асосида машгулотларни олиб бориш буйича трайнинг тадбиридан олинган материаллар. Тошкент. 2013 йил 24 январ – 2 февраль.